

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ФИСКАЛ ИНСТИТУТИ**

БОЙМУРОТОВ СОДИҚ РОЗЗИҚОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ
БАРҚАРОРЛАШТИРИШДА ЕР ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҚЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (Doctor of
Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Doctor of
Philosophy) on economical sciences**

Боймуротов Содик Розикович

Маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда ер ва мол-мулк солиқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари.....3

Боймуротов Содик Розикович

Вопросы повышения эффективности использования земельных и имущественных налогов в стабилизации доходов местных бюджетов.....27

Boymurotov Sodik Rozikovich

Issues of improving the efficiency of the use of land and property taxes in the stabilization of local budget revenues.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ФИСКАЛ ИНСТИТУТИ**

БОЙМУРОТОВ СОДИҚ РОЗЗИҚОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ
БАРҚАРОРЛАШТИРИШДА ЕР ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҚЛАРИДАН
Фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doktor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2020.1. PhD/Iqt1210 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Тошматов Шухрат Амонович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Жўраев Абдуғаффор Сафарович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Ўрмонов Жаҳонгир Жалолдинович
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» 08 куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (205 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «13» 08 куни тарқатилди.
(2021 йил «13» 08 даги 51 рақамли реестр баённомаси).



Т.З. Тешабоев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Қаландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.Н. Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мулккий солиқлар дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатларида амал қилиб, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг муҳим омили саналади. Мулкдорлар томонидан мулкдан самарали фойдаланишга эришишда солиқлар воситасидан фойдаланиш, мулккий солиқлар тушумининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улушини ошириш борасида қатор таъсирчан чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Мулккий солиқлар маҳаллий бюджетлар даромадларининг «Канадада - 40 фоизни, Буюк Британияда - 30 фоизни, Францияда - 20 фоизни ташкил қилади»¹. «Мулккий солиқлар маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий манбаси сифатида Франция, Швеция, АҚШ каби давлатларда кўчмас мулк объектларини солиққа тортиш масалаларига, Германия, Канада, Нидерландия, Дания каби мамлакатларда ер майдонларини самарали солиққа тортиш масалаларига кенг устуворлик берилган»².

Жаҳон амалиётида ер ва мол-мулк солиқларини ҳисоблаш ва ундириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган кўпгина илмий тадқиқотларда, ушбу солиқларни унификация қилиш орқали кўчмас мулк солиғини жорий этилиши билан маҳаллий бюджет даромадини тўлдирувчи манба сифатида солиқни ҳисоблаш ва ундириш механизмларини соддалаштиришга эришилган. Лекин, мазкур тадқиқотларда ер ва мол-мулк солиқларини ҳисоблаш хусусиятлари, маҳаллий бюджет даромадларини оширишда кўчмас мулк солиғидан оқилона фойдаланиш йўллари ҳамда солиқларнинг солиқ тўловчилар молиявий фаолиятига таъсири каби масалаларнинг чуқур таҳлил этилмаганлиги бу борада тадқиқотлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ ислохотларининг моҳияти, табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни солиқлар воситасида рағбатлантириш, солиқ юкини солиқ тўловчилар ўртасида адолатли тақсимлаш, барча тоифадаги солиқ тўловчиларни ресурс солиқларини тўлашга ўтказиш ва бу борада, «ҳар бир туман ва шаҳарда, республика аҳамиятига молик йирик корхоналар ҳиссасини эътиборга олмаган ҳолда, солиққа тортиш базасини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш»³, мол-мулклар ва ер майдонларига илмий асосланган ҳолда солиқ солиш масалаларига қаратилган. Лекин, мол-мулк ва табиий ресурсларни илмий асосланган ҳолда солиққа тортишда хўжалик субъектлари тасарруфидаги мол-мулк ва ер ресурсларни самарали бошқаришдан манфаатдорлигини ошириш, маҳаллий бюджетлар

¹ С.В.Балошко. Налог на недвижимость: опыт зарубежных стран Налогообложение имущества в зарубежных странах [studme.org ekonomika nalogooblozhenie imusches https://studme.org/1317020420957/ekonomika/nalogooblozhenie_imusches](https://studme.org/1317020420957/ekonomika/nalogooblozhenie_imusches)

² Кундиус В.А., Иванова Ю.Н «Земельное налогообложение США и стран ЕС» «Экономика и бизнес Вестник Алтайского Государственного аграрного университета №11 (49) 2008 г стр 58-59

³ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлши керак. - Т.; Ўзбекистон, 2017 йил.

даромадларини барқарорлаштиришда ушбу солиқлар салмоғини кўпайтириш иқтисодчи олимларимиз ва соҳа мутахассислари ўртасидаги муаммоли масалалар бўлиб, бу борадаги муаммоларни тадқиқ этиш танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллагатириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги, 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон «Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологаялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий бюджет даромадларининг таркиби ва уни ташкил этувчи солиқларнинг моҳияти, уларнинг вазифалари, хусусиятлари ва ундаги муаммолар бўйича назарий, услубий ҳамда амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлардан Т.Гоббс, А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, М.Лоренц, Р.Кэмпбелл, К.Макконнелл, Г.Мэнкью, G.Buehler, A.Laffer, R.Musgrave, F.Ramsey, Н.Тургенев, В.Твердохлебов, А.Вознесенский, В.Глухов, Л.Гончаренко, Е.Евстигаев, А.Исаев, М.Кулишер, В.Пансков, А.Погорлецкий, А.Соколов, С.Сутирин, Д.Тихонов, Д.Черник, Т.Юткиналарнинг илмий асарларида тадқиқ этилган⁴.

⁴Петти У. Трактат о налогах и сборах. - М.: Ось-89, 1997. —346 с.; Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. П.э.с англ. Москва. 1962 г. - 408 с.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Сочинения, том I. — М.; Государственное издательство политической литературы, 1955. - 360 с.; Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика. Пер. 16-го англ. изд. - М.: ИНФРА-М, 2006. - 940 с.; Менкью Н.Г. Принципы экономике.- СПб: Олтрер Ком, 1 9 9 9 - 784 с.; G.Buehler «Taxation and the rainimmn o f subsistence» Source; The American Economic Review, Vol. 23, No. 2 (Jim., 1933), pp. 234-244. Stable URL; <http://www.jstor.org/stable/253>; A1exшк|er Odishelidze and Arthiir Laffer. Pay to the Ortfer o f Puerto Rico. Allegiance Press,USi^ 2004.- 455 p.; Musgrave R.M. The Theory o f Public Finance. - NY.; McGrawHill, 1959. P. 94.; Rarasey F.A. Contribution to the Theory o f Taxation // Economic Journal. 1927. No. 37. P. 47-61; Исаев А. Очерк теории и политики налогов.-М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003.-270 с.; Кулишер М. Очерки финансовой науки. Петроград; Книгоиздательство «Наука и школа», 1919.-290 с.; Пансков В., Князев В. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. - М.: МЦФЭР, 2003. -

Маҳаллий иқтисодчи олимлар О.Абдурахманов, Э.Гадоев, Ш.Гатаулин, И.Завалишина, А.Жўраев, А.Исламқулов, Т.Маликов, И.Ниязметов, О.Олимжонов, Х.Собиров, Ш.Тошматов, Б.Тошмуродова, Н.Хайдаров, А.Хайритдинов, Қ.Яхёев, Н.Қўзиева⁵ларнинг илмий ишларида солиқлар ва солиққа тортиш, солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрнининг назарий ва илмий-услубий жиҳатлари ўз аксини топган.

Иқтисодчи олим Ш.Тошматов маҳаллий бюджетга солиқ тушумларини оширишга йўналтирилган бир қатор тадбирларни келтириб, унда солиқларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш тизимини маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ тушумларини максималлаштиришдан манфаатдорлигини ошириш бўйича мулоҳазалар юритиб, ҳудудий солиқ салоҳиятини баҳолаш ва маҳаллий солиқларни ундириш механизминини такомиллаштириш масалаларини танқидий ўрганган.

Иқтисодчи олим А.Хайриддинов маҳаллий маъмурий ҳудуддаги солиқ тизими томонидан ундирилиши лозим бўлган умумдавлат солиқлари бўйича солиқларнинг маълум бир қисмини бевосита маҳаллий бюджетларнинг ихтиёрига бириктирилган даромадлар кўринишида қатъий ҳиссада ва доимий қолдирилишини олдиндан белгилаб қўйиш масалаларини тадқиқ қилган.

Иқтисодчи олим А.Исламқулов ҳудудлар иқтисодиётини солиқлар воситасида ривожлантириш ва маҳаллий бюджетларнинг солиқ-бюджет ваколатларини кенгайтириш мақсадида, маҳаллий бюджетларга умумдавлат солиқларидан ажратмалар фоизи ҳеч бўлмаганда уч йилга ўзгармас бўлишини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг бўш пул маблағларини қисқа муддатларга банк муассасаларига фойда олишни йўлга қўйиш, маҳаллий ҳокимиятларга ички ва ташқи бозорда заёмлаштириш ҳуқуқини бериш масалаларини тадқиқ қилган.

336 с.; Соколов А. Теория налогов. – М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003. -506 с.; Черник Д. Введише в эконо́ми́ко-магемати́ческие модели налогообложения. - М. Финансы и статистика, 2000.- 256 с.

⁵ Гадоев Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996. -128 б.; Гадоев Э., Қўзиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 281 б.; Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: ДСК, 1996. – 241 б.; Завалишина И. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2005. – 544 б.; Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2019. – 448 б.; Исламқулов А.К.бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш.И.ф.д (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. Автореферати 2019 йил б. 16. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. – Т.: «НОШИР», 2012. – 712 б.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002. - 204 б.; Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, 1999. – 254 б.; Собиров Х.Р., Фаттахов А.А., Иминов О.Н. «Налогообложение малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан» - Т., Молия , 2000. -114 с.; Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Хайриддинов А.Б. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати. –Т.: 2011 йил б. 13.,Хайдаров Н. Молия. 1-қисм. – Т.: Академия, 2001. – 185 б.; Ниязметов И. «Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш» мавзусидаги докторлик диссертацияси Автореферати. Т.: БМА, 2019 йил; Абдурахманов О. Жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2005. – 40 б.; Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003. – 247 б.; Қўзиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизминини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», - 296

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан илгари сурилган фикр ва мулоҳазаларда маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтиришнинг ҳозирги шароитдаги долзарб молиявий омиллари тадқиқ этилиб, ислоҳотлар марказ-ҳудуд масшабда молиявий оқимларни барқарорлаштириш, республика бюджетига тушадиган солиқлар ҳисобидан муқобил ажратмалар қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш тизимини рағбатлантирувчи молиявий механизмларини шакллантириш масалалари тадқиқ этилган.

Лекин, солиқ тўловчиларни маҳаллий ресурслардан, хусусан ер майдонлари ва мол-мулклардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш орқали, маҳаллий бюджетлар даромадларини ер ва мол-мулк солиқлари ҳисобидан барқарорлаштириш масалалари комплекс равишда тадқиқ қилинмаган.

Айнан шу сабабдан, ҳозирда республикада ер майдонлари ва мол-мулкларни солиққа тортишни тадқиқ этиш йўналишларининг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга янгича ёндашувнинг зарурлиги яққол кўзга ташланиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республикада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мос келади ва Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази (ҳозирги Фискал институти) илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда ер ва мол-мулк солиқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳалқаро амалиётда солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни ва моҳияти хусусида таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий қарашларини ўрганиш, таққослаш ва уларни умумлаштириш;

ер ва мол-мулк солиқларининг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни ва моҳиятини таҳлил этиш ва унинг хусусиятларини аниқлаш;

мамлакатимизда ер ва мол-мулк солиқларини ҳисоблаш механизмларини такомиллаштириш ва салмоғини ошириш йўллари илғор хориж тажрибалари асосида тадқиқ этиш;

тадқиқот натижалари асосида маҳаллий бюджет даромадларини ер ва мол-мулк солиқлари ҳисобидан оширишни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб ер ва мол-мулк солиқларини тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ер ва мол-мулкларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларга ер солиғининг базавий ставкаларининг мутақ суммасини жорий этиш асосида аниқлаштирувчи солиқ ставкаларини белгилаш орқали маҳаллий вакиллик органларининг ваколатларини кенгайтириш асосланган;

қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар учун ерларнинг норматив қийматидан солиқ ҳисоблаш таклиф этилган;

мулкларни бозор баҳосига асосланган кадастр қийматидан ҳисоблаш тартибини қўллаш орқали ер ва мол-мулк солиқларини унификациялаш асосида босқичма-босқич кўчмас мулк солиғини жорий этиш таклиф қилинган;

солиқ тўловчилар ҳамда солиқ объектлари сонини кенгайтириш орқали маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштириш асосланган;

туристик-рекреацион хусусиятга эга ҳудудлар учун махсус солиқ режимини белгилаш орқали кўчмас мулк объектлари ва уларнинг ижара тушумлари ҳисобини юритиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда ер ва мол-мулк солиқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар учун ер солиғининг базавий ставкаларини мутақ суммасини жорий этиш асосида маҳаллий вакиллик органларига аниқлаштирувчи солиқ ставкаларини белгилаш ҳуқуқини бериш орқали маҳаллий бюджет даромадини барқарорлаштириш таклифи қаноатлантирилган;

қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланадиган ерлар учун ер солиғини норматив қийматдан солиқ ҳисоблаш таклифи илмий асосланган;

мулкларни бозор баҳосига асосланган кадастр қийматидан ҳисоблаш тартибини қўллаш орқали ер ва мол-мулк солиқларини унификациялаш асосида босқичма-босқич кўчмас мулк солиғини жорий этиш таклифи асосланган;

солиқ тўловчилар ҳамда солиқ объектлари сонини кенгайтириш, орқали маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштириш таклифи асосланган;

туристик-рекреацион хусусиятга эга бўлган ҳудудлар (Бўстонлик тумани) учун алоҳида солиқ режимини белгилаш орқали кўчмас мулк объектлари ва уларнинг ижара тушумлари ҳисобини электрон платформада юритиш таклифи асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба–синов ишлари самарадорлигининг математик–статистик ишончлилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишончлилик талабларига жавоб бериши, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси амалий маълумотларининг таҳлиллари натижалари асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда ер ва мол-мулк солиқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар мамлакат солиқ сиёсатини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан давлат солиқ хизмати органлари томонидан ер майдонлари ва мол-мулкларни солиққа тортишни такомиллаштиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда ер ва мол-мулк солиқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар учун ер солиғининг базавий ставкаларини мутақ суммасини жорий этиш асосида аниқлаштирувчи солиқ ставкаларини белгилаш орқали маҳаллий вакиллик органларининг ваколатларини кенгайтириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-659-сон Қонуни билан Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 06/04-01-03-32/296-сон далолатномаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 октябрдаги 17/2-32953-сон маълумотномаси). Натижада, ер солиғининг базавий ставкалари мутақ суммаларда юридик шахслар учун 1 гектарь ва жисмоний шахслар учун 1 кв.метр ер ҳажмида Солиқ кодексига белгиланган ҳамда ҳудудларнинг иқтисодий мавқеи ва солиқ тўловчининг молиявий салоҳиятидан келиб чиқиб, маҳаллий вакиллик органларига солиқнинг аниқ ставкаларини ўрнатиш ҳуқуқи такдим этилган;

қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланиладиган ерлар учун норматив қийматдан солиқ ҳисоблаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг

Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-659-сон Қонуни билан Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 06/04-01-03-32/296-сон далолатномаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 октябрдаги 17/2-32953-сон маълумотномаси). Натижада, барча қишлоқ хўжалик корхоналарининг бир хил тартибда ернинг норматив қийматидан солиқ тўлашга ўтказилиши ва норматив қийматни контурлар бўйича аниқлаш усулини қўллаш солиқ маъмурчилигини соддалашига ва солиқ юкининг тенг тақсимланишига сабаб бўлган;

мулкларни бозор баҳосига асосланган кадастр қийматидан ҳисоблаш тартибини қўллаш орқали ер ва мол-мулк солиқларини унификациялаш асосида босқичма-босқич кўчмас мулк солиғини жорий этиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги «Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 06/04-01-03-32/296-сон далолатномаси). Натижада, солиқ тўловчиларда мулклардан самарали ва мақсадли фойдаланишга иммунитет шаклланиб, улардаги боқимандалик хусусиятлари бартараф этилади, солиқ маъмурчилиги соддалашади ва маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлиги таъминланган;

солиқ тўловчилар ҳамда солиқ объектлари сонини кенгайтириш орқали маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6061-сон Фармонида ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 8 февралдаги 02-10-678-сон далолатномаси). Натижада, мамлакатимизда ер майдонлари ва кўчмас мулк эгаларининг қатъий рўйхати тузилиб, уларнинг ягона давлат реестри шакллантирилган. Давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастри ҳисобининг онлайн геопорталида юритилиши ва унинг миллий геоахборот тизимига интеграция қилиниши, солиқ солиш жараёнларини автоматлаштирган тизимини яратилишини, солиққа тортиш объектларининг кенгайтирилиши ва солиқ тушумларининг оширилишини таъминланган;

туристик-рекреацион хусусиятга эга ҳудудлар учун махсус солиқ режимини белгилаш орқали кўчмас мулк объектлари ва уларнинг ижара тушумлари ҳисобини юритиш бўйича таклифи Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 107-сон қарорида ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 октябрдаги 17/2-32953-сон маълумотномаси,

Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 17 январдаги 18/2-02413-сон далолатномаси). Натижада, Бўстонлик туманида алоҳида солиқ режими ва кўчмас мулкларни ягона электрон платформада ҳисобга олиш тизими жорий этилган, ҳамда 2020 йилда кўчмас мулкларни ижарага берувчи юридик шахслар сони 124 фоизга, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари сони 250 фоизга ва жисмоний шахслар сони 292 фоизга ўсган ҳамда улардан 12,4 млрд.сўм кўшимча солиқ ундирилган, 1157 нафар фуқароларнинг кўчмас мулк объектлари электрон платформада рўйхатга олиниб уларга кўшимча 1,9 млрд.сўм солиқ ҳисобланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган халқаро ва маҳаллий илмий нашрларда 3 та мақола, шунингдек, 12 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 124 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бозор муносабатлари шароитида солиқлар ва уларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида иқтисодий барқарорликни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсатининг ўрни, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришга доир илмий-назарий қарашлар ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ёритиб берилган.

Мамлакатимиз бюджет-солиқ сиёсатида амалга оширилаётган туб ислохотлар республика иқтисодиётини ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунда солиқ юки даражасининг камайиб бориши иқтисодий салоҳиятнинг йилдан-йилга ўсиб боришига бевосита таъсир кўрсатувчи омил

ҳисобланади. Республикада солиқ юки даражасининг иқтисодий ўсишга таъсирини қуйидаги 1-расмдан кузатиш мумкин.



1-расм. ЯИМнинг ўсиши ва солиқ юкининг ЯИМдаги даражаси, (фоизда)⁶

Юқоридаги 1-расм маълумотлари мамлакатимизда 2010-2017 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичлари 108,5 фоиздан 107,8 фоизгача камайганда, солиқ юки ҳам мос равишда 21,9 фоиздан 20,0 фоизгача (1,9 фоизли пунктга) камайган. Лекин, 2018-2020 йилларда мамлакатда яратилган ЯИМ олдинги 2017 йилга нисбатан 1,6 фоиз пунктга (107,8 фоиздан 106,2 фоизга) камайган бир пайтда, солиқ юки эса айнан шу даврда ўртача 5,9 фоиз пунктга (20,0 фоиздан 25,9 фоизга) ўсган. Бунга асосий сабаб, мамлакатимизда айнан шу даврдан бошлаб солиқ соҳасида ислохотлар бошланиб солиқ режимлари ўзгарганлиги, хусусан қишлоқ хўжалиги корхоналари қўшилган қиймат солиғини тўлашга, кичик бизнес субъектлари мол-мулк ва ресурс солиқларини тўлашга ўтганлиги билан изоҳланади.

Қайд этиш жоизки, 2020 йилда ялпи ички маҳсулот 2019 йилга нисбатан режалаштирилган 105,5 фоиз ўсиш ўрнига 101,6 фоизни ташкил этган. Лекин солиқ юки 2020 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 25,2 фоизни ташкил қилган. Бунга сабабларини короновирус пандемиясининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири ва Президентимиз томонидан пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида, тадбиркорлик субъектларига берилган 6732,8 млрд. сўм миқдоридаги солиқ имтиёзлари ва преференциялари билан изоҳлаш мумкин⁷.


Иқтисодчи олим А.Исламкулов фикрича, «сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари даромадларининг қарийб 90 фоизи солиқлар ҳисобига шакллланган. Лекин, ушбу солиқ тушумларининг

⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайтида эълон қилинган маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

⁷ www.soliq.uz Давлат солиқ қўмитасининг “Итоги 2020 года” махусус журнали. – Б.11

бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланишида маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилатган солиқ тушумлари улуши ҳамон пастлигича қолмоқда»⁸.

Республикада бюджет тизими бюджетлари даромадларида солиқ тушумларининг ўзгариши динамикаси қуйидаги 2-расмда келтирилган.



2-расм. Бюджет тизими бюджетлари ўртасида солиқли даромадлар улушининг ўзгариш динамикаси, (фоизда)⁹

2-расм таҳлилидан кўриш мумкинки, 2010-2019 йилларда маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириладиган солиқ тушумлари миқдори ўртача 22,0-22,5 фоиз атрофида бўлган. Фақат, 2020 йилда короновирус пандемияси сабабли маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилган солиқ тушумлари миқдори 36,8 фоизни ташкил этган. Мазкур ҳолат, умумдавлат солиқлари ва бошқа даромадларнинг маҳаллий бюджетлар ҳисобида қолдирилиши сабабли, 2020 йилда маҳаллий бюджетнинг улуши давлат бюджети салмоғи ҳажмида олдинги йилга нисбатан кескин ўсганлигини кўриш мумкин.

Шу билан бирга, республикада бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш, ҳудудларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасини оширишга қаратилган сиёсат юритилишига қарамай, маҳаллий бюджетлар даромадларида маҳаллий солиқлар улуши пастлигича қолиб, истеъмолдан олинадиган солиқлар салмоғининг юқори даражадалиги маҳаллий, бюджетлар даромадларини маҳаллий солиқлар ҳисобидан ошириш масалаларини қайта кўриб чиқилиши лозимлигини кўрсатади.


Диссертациянинг «**Маҳаллий бюджет даромадларининг шакллантирилишида маҳаллий солиқларнинг таҳлили**» деб номланган иккинчи бобда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришнинг амалдаги ҳолати ва унда ер ва мол-мулк солиқларининг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни, ушбу солиқларни жорий этиш ва

⁸ Исламкулов А.Х. “Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш”. и.ф.д. илмий даражаси олиш ёзилган диссертация автореферати. – Б.16.

⁹ Муаллиф ишланмаси.

улардаги ўзгариш тенденциялари тадқиқ этилиб, солиқларни ҳисоблаш механизмлари, солиқ ставкаларидаги ўзгаришларнинг солиқ тушумларига таъсири таҳлил қилинган ва уларни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Лекин, маҳаллий бюджетлар харажатларини республика бюджетига ундирилган солиқлар ҳисобидан молиялаштириш усулининг кенг қўлланилганлиги, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантирувчи маҳаллий солиқлар бўлган ер ва мол-мулк солиқларини ҳисоблаш ва ундириш механизмларини такомиллаштиришга ва ушбу солиқлар ҳисобидан маҳаллий бюджет даромадларини барқарорлаштириш масалаларига етарлича эътибор берилмаганлиги оқибатида маҳаллий бюджетларга ундирилувчи маҳаллий солиқларнинг улуши йилдан-йилга камайиб борган.




3-расм. Давлат бюджети даромадлари таркибида республика ва маҳаллий бюджетларининг улуши ва динамикаси, (фоизда)¹⁰

Юқоридаги 3-расм маълумотлари 2016-2020 йилларда мамлакатимизнинг жами давлат бюджети даромадлари бўйича тушумлар уч баробарга, республика бюджетининг даромадлари 4 баробардан кўпроққа ўсган бир пайтда маҳаллий бюджет даромадларининг ўсиши ўртача 10-12 фоиз бўлиб, маҳаллий бюджет даромадларининг ўсишини давлат бюджети даромадлари ўсиши билан таққосланганда, 2016 йилда маҳаллий бюджет

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

даромадлари, консолидациялашган бюджет даромадларининг 33,2 фоизини ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич деярли икки баробарга камайиб, 18,0 фоизни ташкил этган. Ҳолбуки, 2019 йил 1 январдан солиқ маъмурчилигига киритилган ўзгартиришлар билан оборотлари 1 млрд. сўмдан ошган барча тадбиркорлик субъектлари, 2020 йилдан амалиётга жорий этилган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси бўйича ушбу солиқлар бўйича берилган солиқ имтиёзларининг кўпчилиги бекор қилинган¹¹.

Муаммонинг аниқ сабабларини аниқлаш мақсадида, 2016-2020 йилларда маҳаллий бюджет даромадлари унинг таркибидаги мол-мулк ва ер солиқларининг салмоғи билан таққослама таҳлил қилинганда қуйидагилар кузатилди:




4-расм. Маҳаллий бюджет даромадларининг таркибида маҳаллий солиқларнинг салмоғи ва динамикаси¹²

4-расм маълумотларига кўра, 2016-2020 йилларда маҳаллий бюджет даромадлари ўсиши кузатилиб, унинг таркибидаги маҳаллий солиқларнинг салмоғи кескин камайиб борган. Маҳаллий солиқларнинг улуши 2016 йилда 30,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 23,7 фоизни, 2019 йилда 19,1 фоизни ва 2020 йилда 13,0 фоизни ташкил этган.

Ўз навбатида 2016-2020 йилларда маҳаллий бюджет даромадларида мол-мулк солиғи салмоғини таққослама таҳлил қилинганда қуйидагиларни кузатиш мумкин.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни.


¹² Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.



5-расм. Мол-мулк солиғи бўйича тушумининг бюджетлардаги салмоғи ва ўтган йилларга нисбатан динамикаси¹³

Юқоридаги 5-расм маълумотлари 2016-2020 йилларда мол-мулк солиғининг салмоғи давлат бюджети ва маҳаллий бюджет даромадлари таркибида охириги йилларда кескин пасайиб кетганлигини ва унинг маҳаллий бюджет даромадлари таркибидаги салмоғи 2016 йилда 10,2 фоизни, 2017 ва 2018 йилларда ўртача 11,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 9,5 фоизни ҳамда 2020 йилда 7,2 фоизни ташкил этганлиги кузатилади.

Ўз навбатида 2016-2020 йилларда маҳаллий бюджет даромадларида ер солиғи салмоғини таққослама таҳлил қилинганда қуйидагилар кузатилади.



6-расм. Ер солиғи тушумининг бюджетлардаги салмоғи ва ўтган йилларга нисбатан динамикаси, (фоизда)¹⁴

6-расм маълумотларининг таҳлили, тадқиқот қилинаётган 2016-2020 йилларда ер солиғининг давлат бюджети даромадларидаги салмоғи 2016 йилда 2 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 1,4 фоизни, 2019 йилда 1,7 фоизни ва 2020 йилда 1,6 фоизни ташкил этганлигини кўрсатади.

¹³ Жадвал Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.

¹⁴ Муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги таҳлиллар маҳаллий солиқлар шу жумладан мол-мулк ва ер солиқлари бўйича тушумлар динамикасидаги мазкур ҳолат, солиқ тушумларининг ўсиши на фақат солиқ тўловчилар сонига боғлиқлиги, балки солиққа тортиш объектлари, солиқ базасини аниқлаш тартиблари ҳамда солиқ ставкаларини тўғри белгиланишига ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича ўтказилган йиғилишда қилган маърузасида «2019 йилда ер майдонлари ва кўчмас мулкларни хатловдан ўтказишнинг дастлабки натижалари 150 минг гектар қўшимча қишлоқ хўжалиги ерлари, шундан ҳисоботларга киритилмаган 28 минг гектар суғориладиган экин майдони борлиги, 11,2 минг гектар ер ўзбошимчалик билан эгалланиб, улардан 3,2 минг гектарида ноқонуний уй-жойлар қурилганлиги, 1 миллиондан ортиқ уй-жойнинг кадастр ҳужжати йўқлиги, 340 мингта объектнинг кадастр қиймати белгиланмаганлиги ва 200 мингдан ортиқ объект бўйича солиқ ҳисобланмагани»¹⁵ танқидий таҳлил қилинган.

Халқаро солиққа тортиш амалиётида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни солиққа тортишда ердан олинган маҳсулот рента деб аталади ва ер рентаси - ер участкалари нархининг асоси ҳисобланади. Ер майдонларини иқтисодий баҳолаш икки йўналишда ишлаб чиқариш воситаси сифатида ерни умумий иқтисодий баҳолаш ҳамда алоҳида қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш самарадорлиги бўйича баҳоланади¹⁶.

Мамлакатимизда 2020 йил 1 январь ҳолатига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар жами 103600 та бўлиб, улардан 98 853 таси фермер хўжаликларини ва 11 747 таси бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (боғдорчилик, сазавотчилик ва бошқалар) ишлаб чиқарувчиларни ташкил қилади. Лекин, амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича фермер хўжаликлари ернинг норматив қийматидан ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар эгаллаган ер майдонининг тури (суғориладиган, суғорилмайдиган, яйлов, чўл), ернинг балл бонинитетидан келиб чиқиб ер солиғи ҳисобланади ва ер солиғининг икки хил усулда ҳисобланиши солиқ тўловчилар ўртасида солиқ юкининг номутаносиб тақсимланишига ҳам сабаб бўлади.

Амалиётда қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдонининг норматив қиймати Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Низомга¹⁷ асосан ҳисоблаб чиқилади. Ушбу тартибга кўра, ернинг норматив қиймати олдинги йилда етиштирилган ҳар бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг тури ва товар ишлаб чиқарувчиси бўйича олинган ҳосилдорлик ва фойдаланилган экин майдонлари тўғрисидаги маълумотлар

¹⁵ <https://www.norma.uz> Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 15 октябрь куни ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага ракамли технологияларни жорий этиш масалалари бўйича селектр йиғилишидаги маърузасидан.

¹⁶ ier.ru/files/text/usaidd/tax-inst1.pdf “Налогообложение сельского хозяйства в развитых странах. Москва 2000 йил 15-18-бетлар

¹⁷ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 565-қарори қарори

асосида ҳисоблаб чиқилиб, унга жуда кўп шартли меъёрларни ҳамда кўшимча маълумотларни қўллаш орқали аниқланганлиги сабабли жуда мураккаб усул ҳисобланади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик ерларида бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (боғдорчилик, чорвачилик, сазавотчилик ва бошқалар) етиштирувчилар фойдаланган ернинг тури ва балл бонинитети бўйича ер солиғини ҳисоблаш тартиби ҳам ўта мураккаб бўлиб, унда ернинг балл бонинитетини ҳар йили ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади. Лекин «Ердаврлойиха» институти томонидан эса ушбу маълумотларни вақтида тақдим этилмаслиги эса ер солиғини ҳисоблашда муаммолар келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари, амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича юридик ва жимсоний шахслар ер солиғини жойлашган жойидан келиб чиқиб, унга турли хил кўшимча коэффицентларни қўллаган ҳолда солиқ базаси аниқланади ва унда солиқ тўловчининг шаҳар ва туманларда яратилган инфира тузилма (ахборот, коммуникация) тармоқлари билан боғлиқлигидан келиб чиқиб, солиқ ҳисоблаш назарда тутилган. Ер солиғини ҳисоблашнинг мазкур тартиби 1994 йилда жорий қилинган бўлиб, ўтган йиллар мобайнида ҳудудлар структураси ва уларнинг инфратузилма тармоқларидаги ўзгаришлар бугунги кунда ушбу тартибни ўзгартиришни талаб қилади¹⁸.

Ўз навбатида, халқаро солиққа тортиш амалиётида, мол-мулклар ва ер майдонларини солиққа тортишда ушбу солиқ объектларининг қийматидан келиб чиқиб, кўчмас мулкка солиқ солиш тартиби жорий этилган бўлиб, кўчмас мулкларнинг бозор нархлари бўйича баҳолаш уларни солиққа тортишнинг манфаатли ва адолатли солиққа тортиш тизими эканлиги иқтисодчи олимлар ва соҳа мутахассислари томонидан тадқиқ этилган.

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, мамлакатмизда кўчмас мулкларни солиққа тортишда уларнинг ўртача қолдиқ қиймати солиқни ҳисоблаш базаси қилиб белгиланган. Лекин амалиётда солиқ тўловчилар солиқ кам тўлаш мақсадида, солиқ базасини кўчмас мулк объектининг реал баҳосидан анча паст нархларда баҳолаш ҳолатлари кузатилмоқда. Масалан, 2019 йилда республикамизда фаолият юритган жами 324,4 мингта солиқ тўловчи юридик шахслардан 14,4 фоизи (46,8 мингтаси) мол-мулк солиғини тўловчиси сифатида солиқ органларига ҳисобот тақдим этган бўлса, айнан шу йили 95,0 мингта юридик шахслар ўзларининг мол-мулкларини турли мақсадларда баҳоловчи ташкилотларда қайта баҳолатганлар.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан қилинган таҳлилларда, 2019 йилда Марказий банкнинг «Гаров реестри»га киритилган 2660 та юридик шахснинг кўчмас мулклари баҳоловчи ташкилотлар томонидан «Гаров таъминоти» учун бозор нархларида 4 673,4 млрд. сўмда баҳоланган. Лекин, ушбу 2660 та юридик шахснинг 2019 йил учун мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун солиқ

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси 1994 йилги бюджетининг асосий параметрлари тўғрисида»ги 615 сон қарори 4-илоvasи

органларига тақдим этган маълумотларида солиқ ҳисоблаш базасини (мол-мулкларнинг қиймати) 2 494,9 млрд. сўм ёки 2178,5 млрд, сўмга кам кўрсатганлар. Ўз навбатида солиқ органлар томонидан уларга нисбатан 43,6 млрд. сўм қўшимча мол-мулк солиғи ҳисоблаб ундирилган.

Шунингдек, мол-мулкларини қайта баҳолатган 897 та корхона солиқ органларига мол-мулк солиғи ҳисоботларини «ноль» қийматда тақдим қилганлар ва уларга мол-мулкнинг Гаров реестрдаги қийматидан келиб чиқиб 2019 йилда 49,9 млрд.сўм қўшимча мол-мулк солиғи ҳисобланган¹⁹.

Бундан ташқари, 2019 йил 1 январь ҳолатига, давлат солиқ органларида ер ва мол-мулк солиқларининг тўловчиси сифатида рўйхатга олинган 97 776 та юридик шахснинг 174 906 та объектлари кадастр органларининг маълумотлар базаси маълумотлари билан таққосланганда, мол-мулкларнинг қиймати ўртасида 7 521 681,9 млн. сўмлик тафовутлар аниқланиб, уларга нисбатан 2019 йил учун 32 288,4 млн.сўм мол-мулк солиғи ҳисобланган бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига юқорида қайд этилган юридик шахсларнинг мол-мулклари қиймати бўйича 2 251 618,2 млн.сўмлик тафовутлар аниқланиб уларга нисбатан 88 938,8 млн.сўм қўшимча мол-мулк солиғи ҳисобланган²⁰.

Мазкур таҳлилий маълумотлар мамлакатимизда ер ресурслари ва кўчмас мулклардан солиқ ундиришда амалдаги мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қийматидан солиқ ҳисоблаш ўрнига, халқаро солиққа тортиш қоидаларига мувофиқ кўчмас мулкларнинг бозор нархларда баҳолаб солиққа тортиш тартибига босқичма-босқич ўтиш заруратини тақозо қилади.

Халқаро солиққа тортиш амалиётида даромадларни солиққа тортишда даромадни олиш манбалари ва солиқ солиш объектларининг жойлашган жойи, ҳудуднинг истисодий салоҳияти ва мол-мулкларнинг даромадлилик даражаларига асосланиб солиққа тортиш тартиби белгиланган. Жумладан, Россияда туристик-рекреацион хусусиятга эга бўлган 6 та махсус иқтисодий зоналари ташкил этилган бўлиб, улар учун алоҳида солиққа тортиш тартиблари белгиланган²¹. Республика ҳудудининг хилма-хиллиги, қулай иқлим шароити ҳамда туристик салоҳияти айрим ҳудудларда алоҳида солиққа тортиш тартибларини белгилаш лозимлиги ҳулоса қилинди.

Диссертациянинг «Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларни ҳисоблаш ва ундиришни такомиллаштириш масалалари» деб номланган учинчи бобида, иқтисодиётни ривожлантириш шароитида маҳаллий бюджет даромадларини барқарорлаштиришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлларини тадқиқ этиб, унда ер ва мол-мулк солиқларининг ҳисоблаш самарадорлигини оширишда хорижий мамлакатлар тажрибаларини қўллаш истиқболлари юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

¹⁹ Муаллиф ҳисоб-китоби.

²⁰ Муаллиф ҳисоб-китоби.

²¹ ОЭЗ ТРТ - Туристско-рекреационные особые экономические зоны, ОЭЗ туристско рекреационного типа (investkalininingrad.ru)

Мамлакатимизда ер умуммиллий бойлик бўлиб, халқимиз ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асосини ташкил қилган бир вақтда, ерлардан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, уни муҳофаза қилиш, у билан узвий боғланган ягона назорат тизимини тўлақонли юритиш республикамиздаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари, мазкур йўналишларда соҳада кескин ислоҳотлар амалга оширилишини, республикамизда мавжуд ер майдонлари бўйича ер ҳисобини юритиш тизимини тубдан такомиллаштиришни, жумладан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар учун масъул органни белгилаб унга, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш вазифаларини юклатиш лозим бўлади

Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланилмайдиган ерлар, яъни юридик ва жисмоний шахслар эгалигидаги ерлар учун ер солиғини солиқ тўловчининг жойлашган жойидан келиб чиқиб, унга турли коэффициентларни қўллаган ҳолда солиқ ҳисоблаш усули жуда мураккаб ва эскирган усул. Шу сабабдан, ушбу солиқ тўловчилар учун ер солиғини базавий ставкаларни жорий этиш ҳамда ер солиғи маҳаллий бюджетлар даромади эканлигини инобатга олиб, маҳаллий вакиллик органлари бўлган маҳаллий Кенгашларга ҳудудларнинг иқтисодий мавқеи ҳамда солиқ тўловчининг молиявий салоҳиятидан келиб чиқиб, ер солиғининг аниқ ставкаларини белгилаш ҳуқуқини бериш лозим бўлади.

